

2022 йил «18» Июль

Фаргона шахри

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Фаргона вилояти Фаргона шаҳар Нефтчи ПФК тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар мактаби** номидан раҳбар **М.Зокиров** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва уз Низоми асосида иш юритувчи **Премиум Технострой Х/К** (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбар **И.И.Нуъмонов** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун тузилдилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома шартларига асосан **Фаргона вилояти Фаргона шаҳар Нефтчи ПФК тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар мактабига қурилиш материалларини** лойиха-смета ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, туловларни амалга оширади.

### 2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома буйича «Етказиб берувчи» томонидан бажариладиган урнатиш ишлари қиймати ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жами **ККС билан 49 500 000 (Қирқ тўққиз миллион беш юз минг)** сумни ташкил этади. 100022860304017083610217001 ШХВдан молиялаштирилади.

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Етказиб берувчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қушимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

### 3. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Етказиб берувчи» томонидан жорий таъмирлаш ишлари тулик бажарилгандан сўнг, узаро ишларни топшириш далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» 3 кун ичида пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини **30%** миқдорида аванс туловини «Етказиб берувчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### 4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида «Етказиб берувчи» томонидан маҳсулот етказиб бериш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар **2022 йил «28» июль** кунига қадар тулик яқунланиши керак.

4.2. «Етказиб берувчи» маҳсулот етказиб бериш ишларни амалдаги қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли етказишни таъминлайди.

4.3. «Етказиб берувчи» маҳсулот етказишда техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

### 5. ТОМОНЛАРНИ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартномада назарда тутилган маҳсулотни тулик ҳажмда ва белгиланган муддатларда етказиш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» маҳсулот етказиш жараёнида бажарилаётган ишларни ҳужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Етказиб берувчи»га маҳсулотни етказиш учун зарур шароитлар яратиб берилди ва бажарилган ишлар буйича тузилган Шақл-2 далолатномаларини 3 кун ичида қабул қилиб олади.

5.4. етказилган маҳсулотларни камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва **5** кун муддатда «Етказиб берувчи»га хабар юборилади. «Етказиб берувчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар уз маблағи ва уз қучи билан **5** кун давомида баргараф этилади.

## 6. ЖАРИМАЛАРНИ КУЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулик қоплайди.

6.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан етказиши лозим бўлган маҳсулот белгиланган муддатларида етказилмаса, «Етказиб берувчи» етказилмаган қийматини 0.5% микдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси етказилмаган маҳсулот қийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3. «Етказиб берувчи» томонидан етказилган маҳсулот белгиланган муддатларда етказилгандан кейин «Буюртмачи» томонидан туловлар уз муддатида амалга оширилмаса туланмаган суммани 0.4% микдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Етказиб берувчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси етказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа енгиб белмас куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## 8. КУШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаса ҳужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

Ушбу шартнома 2022 йил «18» июлдан 2022 йил «31» декабр гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (булим)да руйхатдан утказилганидан сунг қонуний кучга қиради.

## 9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

«Етказиб берувчи»

**Фаргона шаҳар «Нефтчи» ПФК  
тасарруфидаги болалар ва усмирлар  
Футбол мактаби**

**“PREMIUM TEXNOSTROY” ХК**

Фаргона ш.С.Темур 26 а уй  
Тел/+998732260391  
ШХВ: 100022860304017083610217001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200150860  
ОКОНХ 91700  
Газначилик номи: Фарғона вилояти буйича  
Газначилик бошқармаси  
Газначилик х/р: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банк ХКММ Тошкент ш  
МФО: 00014  
Газначилик СТИР: 201122919

Раҳбар *М.Закиров*

Юрист

*Ф.Жонуров и.и.*

Manzilgoh: Farg'ona viloyati  
Farg'ona tumani, Qalqon kuchasi -69-uy  
Farg'ona filiali  
MFO:01173  
INN: 306613086  
X/R202080000405106557001  
AsiaAlliancebank  
Тел.: 98-007-91-90

Раҳбар: *И.И.Нуъмонов*

